

Хожнакбар НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академиси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳаркафедраси
ўқитувчиси
E-mail: hojiakbar8228@gmail.com

НАСБ ҲОЛАТИДА ИФОДАЛАНАДИГАН МАФЪУЛЛАР ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ ИМЕН В ВИНИТЕЛЬНОМ ПАДЕЖЕ

ANALYSIS OF NAMES IN THE ACCUSATIVE CASE

Аннотация: Тушум келишигида келган гап бўлаклари мансуботлар, деб аталади. Мансуботлар асл ва аслга ўхшаш бўлади. Ўзбек тилида улар тўлдирувчилар тукумига киритилади, чунки улар феъл бошқарувида бўлиб, феъл англатган иш-ҳаракатнинг маъносини тўлдириб, кучайтириб, аниқлаб, сабабини таъкидлаб, вақтига ва маконига ишора қилиб келади.

Мазкур мақолада машҳур арабшунослари Мустафо Ғалайиний, Абдурахмон Жомий, А.Абдужабборов, Э.Талабов, Н.Иброҳимов, “Б.М.Гранденинг насб ҳолатига оид назарияларига тўхталиб, уларнинг фикрларини қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Калит сўз ва иборалар: раф, насб, жар, мутлоқ масдар ва мафъул биҳи.

Аннотация: Части речи в винительном падеже называются мансубаат. Мансубааты бывают истинные и подобные истинным. В узбекском языке они являются дополнениями, так как находятся под управлением глагола и дополняют, усиливают, уточняют, его значение, причину (действия), а также указывают на время и место его совершения. Данная статья посвящена сравнительно-сопоставительному анализу теоретических воззрений таких известных учёных-арабистов как Б.М.Гранде, Мустафа Ғалайини, Абдурахман Джамии, Э.Талабов, Н.Ибрахимов и А.Абдужаббаров.

Ключевые слова: раф, насб, жар, мутлак, масдар и мафъул биҳи.

Annotation: The accusative parts of speech are called mansubaat. Mansubaats are true and similar to true. In the Uzbek language, they are additions, since they are under the control of the verb and complement, strengthen, clarify its meaning, reason (action), and also indicate the time and place of its commission. This article is devoted to a comparative analysis of the theoretical views of such famous Arab scholars as BM Grande, Mustafa Galayini, Abdurakhman Jami, E. Talabov, N. Ibrahimov and A. Abdujabbarov.

Key words: raf, nasb, jar, mutlaq, masdar and maful bihi

КИРИШ

Маълумки араб, ўзбек ва рус тилларида турланиш ҳодисаси бирдек мавжуд. Қизиқ тарафи бу ҳодиса ҳар уч тилда ҳам исм сўз туркумида учрайди. Бунда исмлар келишиклар ёрдамида турланади. Лекин бу тилларнинг бир-биридан фаркли томони шундаки, араб тилидаги исмларнинг турланиши фақатгина уч келишик билангина бўлади. Улар бош келишик, тушум келишиги ва қараткич келишикларидир. Араб тилидаги “исмнинг насб ҳолати” номли ибора унинг тушум келишигида келаётганини билдиради. Яна бир фаркли жиҳати араб тилида келишикларнинг маълум қўшимчалари йўқ. Лекин унинг қайси келишикда эканлигини сўз охиридаги ҳарфнинг ҳаракатига ва уларнинг гапдаги вазифасига қараб билиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Келишикларни ифодаловчи ҳаракатларни, араб тилининг наҳв фанида “раф”, “насб” ва “жар” деб номланади ва булар бошқа китоблардаги каби биз ўрганаётган “Фавоидул зиёна” китобида ҳам “фоиллик белгиси”, “мафъуллик белгиси” ва “изоф белгиси” номлари билан таърифланади.

“المفعول مطلق” – “Мутлоқ масдар”. Арабшунослар амалиётида қабул қилинган масдари мутлоқ термини гап таркибидаги феълнинг маъносини кучайтириш учун келган араб тилига хос гап бўлаги учун қўлланилади. Бу гап бўлаги гапда келган феълнинг масдари билан гап охирида ноаниқ ҳолатда ва тушум келишигида қўлланилади.

Мисол учун: ضربت ضربا

Тилшунос Б.М.Гранде мутлақ масдар хусусида шундай дейди: “Маълумки ҳар бир феъл, хоҳ у ўтимли, хоҳ ўтимсиз бўлсин, ўзининг масдарига эга бўлади. Тушум келишигида келган бундай масдарлар мутлоқ масдар (مفعول مطلق абсолютный объект) деб аталади” [3:41].

Бу мафъул уч ҳил маънода бўлади ва улар қуйдагилар:

- Таъкид маъносида.
- Санок маъносида.
- Нав, тур маъносида.

Биринчи турда мафъулу мутлақ феъл англатган маънони кучайтириб келади.

Мисол учун: **جلست جلوسا** - ҳақиқатда ўтирдим.

Кўриб турганингиздек бунда мутлоқ масдар фақатгина феълнинг маъносини таъкидлаб келмоқда. Ундан бошқа бирор маънони ифода қилгани йўқ.

Мутлоқ масдарнинг бу тури фақатгина бирлик кўринишида келади ва иккилик ва кўплик шаклларида бўлмайди. Чунки бу мафъул фақатгина феълнинг моҳиятини ифода қилади холос. Қолган иккиси эса акасинча бирлик, иккилик ва кўплик шаклларида келиши мумкин.

Санок маъносидаги мутлоқ масдар феълнинг неча маротаба бажарилганини билдиради.

Мисол учун: **جلست جلسة** - бир маротаба ўтирдим,

Ёки: **جلست جلستين** - икки маротаба ўтирдим.

Баъзида мутлоқ масдар феълнинг асл масдаридан, балки бошқа ўзакдан ташкил топган синоним феълнинг масдаридан ясалиши мумкин. Мисол учун:

قعدت جلوسا

Ёки бошқа бобдан олинган масдар билан ясалиши мумкин мисол:

Аллоҳ уни ниҳоятда гўзал ўстирди.

أنبته الله نباتا حسنا.

Бу борада нахв олимларидан имом Сибавайҳ шундай деган: “бундай ҳолларда мутлоқ масдар ўзагидан ташкил топган феъл тушиб қолган ҳисобланади ва айнан шу тушиб қолган феъл мафъул мутлоқни тушум келишигида келишига сабабчи бўлади. Демак биринчи мисолнинг асл ҳолати:

قعدت وجلست جلوسا ،

Иккинчи мисолнинг асл ҳолати эса:

وأنبته الله فنبت نباتا

кўринишида бўлади деб айтган.

Мафъул мутлақ билан бирга мослашган ва мослашмаган аниқловчилар келиши мумкин деган фикрлар барча дарсликларда мавжуд. Жумладан Э. Талабов бу ҳақида шундай маълумот беради: Мутлақ масдар қошида аниқловчи (хоҳ мослашган, хоҳ мослашмаган) нинг бўлиши унинг ифода қувватини янада оширади[3:41]:

ضحك الطالب ضحكا شديدا – Талаба қаттиқ кулди.

Бу мисолимизда **ضحكا** мутлақ масдар, **شديدا** унинг мослашган аниқловчисидир.

طردنى طرد الغريب – У мени бегонани ҳайдагандек ҳайдади.

Бу мисолда эса мутлақ масдар мослашмаган аниқловчиси билан келган ва у **طرد الغريب** дир.

Мутлоқ масдарни тушум келишигида келишига сабабчи бўлиб турган феъл баъзи ҳолатларда тушириб қолдирилиши мумкин. Бундай ҳолат икки ҳил изоҳланади. Биринчи ҳолатда феъл тушиб қолиши ихтиёрли бўлади, уни туширилиб қолдирмаслиги ҳам мумкин. Мисол учун: **خير مقدم**

Бунинг асл ҳолати аслида қуйдагича бўлган: **قدمت قدوما خير مقدم**

Иккинчи ҳолатда эса феълнинг туширилиб қолдирилиши шарт бўлади. Ўз навбатида бу ҳам икки ҳил бўлиб, биринчисиде феълнинг тушиб қолишига сабаб бўладиган қоида йўқ.

Мисол учун: **سقاك الله سقيا - اسليدا** - Аллоҳ сени сероб қилсин бўлган.

Дарҳақиқат, арабларнинг мулоқотларида бу феълларни масдарлари билан талаффуз қилганликлари эшитилмаган.

Феъл тушиб қолишининг мажбурий ҳолатларининг иккинчисиде эса феъл қоидага мувофиқ тарзда тушиб қолади. Бундай ҳолатда феълнинг тушиб қолиши турли сабаблар асосида бўлади. Жумладан, мафъулу мутлоқ ўзидан аввал келган жумланинг мазмунини баён қилаётган бўлса. Мисол учун:

فشدوا الوثاق فاما منا بعد وإما فداء

Бунда: **فشدوا الوثاق** - яхшилаб боғлаб қўйингиз, жумласини тафсир қилиб, **فاما منا بعد**, **وإما فداء** - Сўнгра ё марҳамат кўрсатурсиз, ё фидя олурсиз, дейилмоқда. Бу жумланинг асл ҳолати қуйдагича бўлган:

إما تمنون منا بعد الشد وإما تفدون فداء

Шу ўринда айтиш мумкинки, Н.И.Иброҳимов ва М.Юсуповнинг “Араб тили грамматикаси” дарслигида мафъул мутлақни “масдари мутлақ” деб атайдилар ва баъзи ҳолларда масдари мутлақдан олдин “أشدّ، كلّ” сўзлари насб ҳолатида келиб, масдари мутлақ эса уларга нисбатан музоф илайҳи “مضاف اليه” –изофанинг иккинчи бўлаги” бўлиб келиши мумкин, деган фикр билдирадилар [2:146].

Бу изофа ҳам феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг даражасини ошириш учун хизмат қилади.

Масалан: حببت الأم أولادها كل الحب яъни: “Она ўз фарзандларини (жуда) қаттиқ севарди”.

В.Э.Шагал бундай ҳолларда таржимага “жуда”, “кучли” сўзлари қўшилиши мумкинлигини айтиб ўтади[6:126].

Масалан, ضربه أشد الضرب “Уни бор кучи билан урди”.

Бунга ўхшаш ва бошқа шу каби ҳолатлар ҳақида араб тилшунослари кенгрок тўхталиб ўтадилар.

قد ينوب على المفعول المطلق ما يدل عليه و من ذلك.

[11:69]

“Мафъул мутлақ ўрнига қуйидагилар келиши мумкин”.

Яъни, “كل” ва “بعض” сўзларини мутлақ масдарга музоф қилиб беришимиз мумкин.

Масалан, أحترمه كل الإحترام “Мен уни жуда ҳурмат қиламан”.

Ушбу жумлада “كل” сўзи мутлақ масдар бўлиб, насб ҳолатида, “الاحترام” сўзи эса унга музоф илайҳи бўлиб келган.

“Мен унга баъзи иккиланишларни билдирдим” - أتردد عليه بعض التردد

Бу жумлада эса “بعض” сўзи мутлақ масдар бўлиб келган, “التردد” сўзи эса унга музоф илайҳи бўлиб келган.

Шунингдек, қоидага кўра, мутлақ масдар насб ҳолатидадир.

... أن تأتي بمرادف للمصدر [11:70].

“Масдарга синонимларни беришимиз мумкин”. Масалан:

دفعته حفراً “Мен уни турғизиб юбордим”.

Ушбу жумлада دفعاً сўзи حفراً масдарининг синонимидир.

Масдарни бермай туриб шу масдарнинг сифатинигина беришимиз мумкин. Масалан:

تتطور الحياة سريعاً

تتطور الحياة تطوراً سريعاً (هذا مع مصدر) ёки

“Ҳаёт тез сураатлар билан ривожланмоқда”.

Биринчи жумлада мафъул мутлақ сўзи туширилиб қолдирилиб, унинг сифати سريعاً сўзининг ўзи берилган. У ҳам “تطوراً” каби насб ҳолатидадир.

أن تأتي باسم الإشارة قبل المصدر [11:69].

“Масдардан олдин кўрсатиш олмошини беришимиз мумкин”.

أكرمته ذلك الإكرام. “Мен уни ҳурмат қилардим”.

أن تأتي بما يدل على عدد المصدر [11:69].

“Масдарни сонидан далолат берувчи сўзларни беришимиз мумкин”.

قابله عده مراتباً “Мен уни бир неча маротаба

учратдим”-

Ушбу жумладаги “عده” сўзи мафъул мутлақ ўрнида келган бўлиб насб ҳолатидадир.

“المفعول به” – “Мафъул биҳ”. Бу мафъул иш-ҳаракатни кимни устида бажарилаётганини билдиради.

Мисол учун: ضربت زيداً – Зайдни урдим. Яъни уришлик иши Зайдни устида бажарилди. Агар феълх мажхул сийғага ўзгарадиган бўлса унда бу мафъул эгага айланади. Араб тили наҳв фанида эса бундай ҳолатдаги мафъулни “ноиб фоил” деб юритилади ва уни марфуъотлар бобида ўрганилади. Бу мафъулнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жумладан, у феълдан аввал ҳам келиши мумкин. Мисол учун: الله أعبد

Бундай бўлишига сабаб феълнинг амали кувватли бўлиб, ўзидан кейин келаётган исмни ҳам насб ҳолатига келтира олишидадир.

Шундай хусусиятлардан яна бири унинг феълининг тушиб қолишидадир. Мисол учун сизда кимдир “Кимни кўрдинг?”, деб сўраган вақтда сиз унга нисбатан бир сўз билан “زيداً” деб қўя қоласиз.

Бу мафъул феълининг тушиб қолиши натижасида араб грамматикасида ўзига хос атамалар келиб чиққан. Бунга “мунодо”-мурожаат юкламаларини мисол қилишимиз мумкин. Араб луғатшунослари уни “أدعو” феълига ўриндош бўлган юклама билан келиши талаб қилинган нарса” деб, таърифлаганлар. “أدعو” феълига ўринлош бўладиган юкламалар

бешта бўлиб, улар **أي الهمزة يا ، أيا ، هيا ،** лардир. Сибавайхнинг айтишича, ундалмани тушум келишигида келишининг сабаби у аслида мафъулун биҳи ва уни тушум келишигида келишини талаб қилаётган феъл бу **“أدعو”** феълдир. Шундай экан,

“أدعوا زيدا” жумласининг асл ҳолати **“يا زيد”** бўлган деб айтади.

Мафъулу биҳнинг феъли тафсир қилинса, ушбу феъл туширилиб қолдирилади. Яъни мафъулни тушум келишигида келишини талаб қиладиган феъл тушиб қолади. Ушбу ҳолатда биринчи феъл кейинги келадиган феъл билан изоҳланиши керак.

Мисол учун: **زيدا ضربته**

Бу мисоласлида **ضربت زيدا** кўринишида бўлган ва унинг биринчи феъли айтиб ўтилган қоидага мувофиқ тушиб қолган. Чунки бу ўринда иккинчи феъл биринчи феълнинг нима эканлигини билдириб туради.

Феъли тушиб қолган ўринлардан бири **“тахзир”** дир. **“Тахзир”** деб луғатда бир нарсадан кўрқитиш ва узоқлаштиришга айтилади. Араб тили грамматикасида эса **“тахзир”** **“اتق”** феълни тақдир қилиб айтилган мафъулдир.

Мисол учун: **إياك والأسد** бу мисол аслида **بغد نفسك من الأسد** кўринишида бўлган. Сўнг биз айтган тахзир қоидасига мувофиқ феъл тушириб қолдирилган. Тахзир феъли тушиб қолишига сабаб, бундай ўринларда кишини огоҳлантириш учун вақт оз бўлади ва имкон қадар унга бўлаётган мурожаатда қисқартиришга мухтож бўлинади.

المفعول فيه – Мафъул фиҳи иш-ҳаракат содир бўлган жой ва вақтдир. У икки хил бўлиб, пайт ва ўринни ифодалайди[3:46].

Мафъул фиҳи ўзбек ва рус тилларидаги ўрин ва пайт ҳолига тўғри келади. Ўрин ва пайт ҳоли иш-ҳаракатнинг амалга ошган жойи, макони ва пайтига ишора қилади. Ўрин - макон мазмуни иш-ҳаракатнинг бўлиш ўрни, йўналиш ўрни, чиқиш ўрни кабиларда намоён бўлади[1:163].

Масалан:

هذه هي الزيارة الرابعة التي يقوم بها شارون إلى واشنطن

Бу Шароннинг Вашингтонга қилган тўртинчи зиёратидир. Бу жумлада **“Вашингтонга”** сўзи ўрин ҳоли бўлиб, у иш-

ҳаракатнинг содир бўлган ўрнига ишора қилапти. Шунингдек мафъул фиҳи иш-ҳаракатнинг содир бўлган пайтини ҳам билдиради ва қачон? сўроғига жавоб бўлади:

ذهبت أمس مع صديقي إلى المسرح

Мен кеча дўстим билан театрға бордим. Бу жумлада эса **“кеча”** сўзи пайт ҳоли вазифасида келган.

Ибн Ҳожибнинг **“Кофия”** китобида мафъулу фий икки хил бўлиши таъкидланган. Унинг бирини турида предлог келтирилади ва мафъулун фиҳи қаратқич келишигида бўлади. Иккинчисида эса предлог тақдирда бўлади ва мафъулу фиҳи насб ҳолатида бўлади. Бу фикр араб наҳв олимларининг қарашларига қаршидир. Зеро улар фактгина насб ҳолатидагиларнигина бу мафъулга қўшади.

Ибн Ҳожибнинг фикларини шарҳлаш жараёнида Мулла Жомий шундай дейди: **“Тарчи ибн Ҳожибнинг фикри наҳв уламоларининг фикрига қарши бўлсада, у мафъулу фиҳини иккига бўлган. Ва уларни қаратқич ва насб ҳолтидаги мафъулларга тақсимлаган. Шунинг учун мафъулун фиҳини насб ҳолатида келишига бир неча шартларни қўйган [13:963]”**

Шунингдек Ибн Ҳожиб зарфларни икки қисмга ажратади. Уларнинг бири зарфи макон, иккинчиси эса зарфи замондир. Унинг фикрига кўра зарфи замонларнинг барчаси насб ҳолатида келиши мумкин.

Мисол учун: **صمت دهرًا** каби.

Зарфи маконлар эса қачонки ноаниқ ҳолатда бўлсагина, насб ҳолатида келиши мумкин. Уларнинг ноаниқ ҳолатда ишлатиладиганлари орқа, олди, тепа, паст, ўнг ва чап сўзларидир.

Мисол учун: **أمام زيد** каби.

Аниқ бўлган макон номлари насб ҳолатида эмас, балки қаратқич келишигида қўлланилади.

Мисол учун: **جلس في المسجد**

المفعول له - ал-мафъул лаху. Феълни бажарилиш сабабини баён қилади. Бу мафъул ўзбек тилига сабаб ёки мақсад ҳоли деб таржима қилинади. Мафъул лахунинг феъли мафъул лахуни пайдо қилиш ёки мафъул лаху мавжуд бўлгани туфайли бажарилади.

Мисол учун **ضربته تأديبا** – Мен уни тарбиялаш мақсадида урдим[13:963]. Бу биринчи, яъни мафъулни пайдо қилиш учун

феъл бажарилганига мисол. Бу ерда мафъул лаҳу мақсадни англатяпти.

قعدت عن الحرب جينا – “Уришдан кўрққанлигим учун қолдим”. Бунда кўрқув мавжуд бўлганлиги учун “қолмоқ” феъли бажарилган. Бу ерда эса мафъул лаҳу сабабни англатиб келмоқда.

Араб тилшунослари насб ҳолатида келадиган мафъулнинг бу турини икки хил номлайдилар. Айрим манбаларда **المفعول لأجله** айримларида эса **المفعول له** деб номланган.

Сабаб ва мақсад ҳоли араб тили грамматикасида ўзига хос ўринни тутати. Жумлада ушбу гап бўлагини қўллаш учун маълум шартларлар бўлиши керак. Улардан энг муҳими сабабни ёки мақсадни ифодаловчи сўз, яъни иш-ҳаракатнинг номи бўлиши зарур. Маълумки, иш-ҳаракатнинг номи араб тилида масдар, деб номланади[2:724]. Шу ўринда араб тили синтаксисида масдарнинг вазифаси ҳақида маълумот беришни зарур деб билдик. Чунки, мазкур грамматик категорияни қандай вазифада келганини англашда баъзи муаммолар мавжуд. Масдар жумлада турли вазифаларда келиб, синтаксисдаги ўрни ва морфологик кўрсаткичларига кўра ўхшаш бўлиб келиши мумкин. Мазкур ҳолатда ўрганилаётган гап бўлагини тўғри ажратиб олиш ва тўғри таржима қилишда масдарнинг ва ўша гап бўлақларининг хусусиятлари ва қўлланилиш шартларини пухта билиш зарур. Масдар гапда бош бўлақ ёки гапнинг иккинчи даражали бўлақлари вазифаларида келиши мумкин. Таҳлил қилинаётган жумлада масдар билан ифодаланган эга ва кесимни айнан шу бўлақлигини ажратиб олишимиз қийин эмас. Чунки улар жумлада ҳоким бўлақлар бўлиб, уларнинг синтактик жиҳатдан ўрни ва семантик жиҳатдан маъноси жумлада яққол билинади. Аммо иккинчи даражали бўлақларга келсак, гапда улар масдар билан ифодаланган бўлса синтактик ва семантик жиҳатдан турли вазифаларда келган бўлишига қарамасдан, морфологик жиҳатдан ўхшаш бўладилар. Демак, гапнинг иккинчи даражали бўлақларини аниқлашда гапдаги бош бўлақлар ва иккинчи даражали бўлақларнинг семантик ва синтактик жиҳатдан боғланган жиҳатларига аҳамият беришимиз лозим.

المفعول معه - Мафъул маъаху. Иш-ҳаракатни бажаришда фоилга шериклик вазифасини ўтовчи мафъулдир. Бу мафъул *вов* ҳарфидан кейин келади. Бу мафъул ўзбек тилига “биргалик тўлдирувчиси деб таржима қилинади.

Мисол учун: **كفأك وزيدا درهم**

Фоилга шерик бўлиши деганда бунда феълни бажаришда у билан бир вақтда ёки бир жойда бўлиши керак. Шунда биргалик маъноси ифодаланади.

Мисол учун: **سرت وزيدا** - Зайд билан бирга сайр қилдим.

لو تركت الناقة وفصيلها ، لرضعها – Агар туя ва унинг боласи бир жойда қолдирилса, боласи уни албатта эмиб кўяди.

Атф ҳарфларидан бўлган *вов* да эса бундай шериклик ифодаланмайди.

Наҳв уламоларининг барчаси бу мафъулдаги омил деб феълни айтганлар ва *вов* фақат воситачи вазифасини бажаради. Бу *вов* ни *маъа* ҳарфини ўрнига келишининг сабаби *вов* ҳарфини қисқа бўлганлиги учундир. Лекин бу *вов* аслида атф ҳарфларидан бўлган *вов* дир[13:793].

Ўзбек тилидаги адабиётларда эса бу *вов* ҳақида биргаликни ифодалаш учун келиши ва суҳбу ҳолатда гапда феъл ёки феъл маъноси мавжуд бўлиши керак, деб таъкидланади[13:368]. Араб тилида иш-ҳаракатнинг биргаликда бажарилишини билдириш учун ишлатиладиган грамматик категория мавжуд бўлиб, уни биргалик тўлдирувчиси деб аташ мумкин. Бу тўлдирувчи **و** боғловчисидан кейин тушум келишигида келади. Масалан: **سار العمال و النيل** – *Ишчилар Нил бўйлаб кетдилар*.

Юқорида айтиб ўтилган ушбу бешта мансубот мафъуллар ҳисобланади. “Фавоидул зиёия” китобида уларни асл мансуботлар туркумига ажратган. Қолган мансуботларни эса аслга қўшиб юборилган мансуботлар, деб атайди. Сўнг, “Кофия”нинг тартибига мувофиқ уларни шарҳлашга киришади. Бундай мансуботлар еттита.

ХУЛОСА

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки араб тилида тушум келишиги кенг қўлланилади. Гапнинг

хам бош бўлаклари, ҳам иккинчи даражали гап бўлаклари тушум келишигида бўлади. Уларни тушум келишигида келишига сабаб маълум омиллардир. Мазкур омилларни юкламалар, феъллар ва ёрдамчи феъллар ташкил қилади. Тушум келишигида келган исм эса бошқарув остидаги сўз ҳисобланади. Шунингдек, тушум келишигида араб тилига хос бўлган гап бўлаклари ҳам бошқарилади.

Тушум келишигида келган гап бўлаклари мансуботлар, деб аталади. Мансуботлар асл ва аслга ўхшаш бўлади. Асл мансуботлар 5та мафъулдир. Ўзбек тилида улар тўлдирувчилар тукумига киритилади, чунки улар феъл бошқарувида бўлиб, феъл англатган иш-ҳаракатнинг маъносини тўлдириб, кучайтириб, аниқлаб, сабабини таъкидлаб, вақтига ва маконига ишора қилиб келади. Қолган мансуботлар уларга ўхшаш ҳисобланади ва маълум юкламалар ва ёрдамчи феъллар томонидан бошқарилади.

Ўзбек тилига таржима қилинаётганда мансуботларнинг хусусиятларига эътибор бериш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, мафъулларнинг барча турлари ҳам ўзбек тилида муқобил варианты мавжуд эмаслигини ҳам эътибордан қочирмаслик керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдужабборов А. Араб тили. –Т.:Тошкент ислом университети, 2007. -307 б.
2. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. I-II жилд. И Ж. –Наманган: Ибрат, 2009. – 584 б.
3. Талабов Э. Араб тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. – 406 б.
4. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно историческом освещении. М.: “Восточная литература” РАН, 1998. – 592 с.
5. Ковалев А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. -М.:Вост.лит. РАН, 1998. -752 с.
6. Кузмин С.А. Учебник арабского языка. –М.: Восточная литература, 2003. - 385 с.
7. Шагаль В.Э. Учебник арабского языка. -М.: Политиздат, 1981. -786с.
8. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. М.: Наука, 1985. - 172с.

9. Юшманов Н.В. Работы по общей фонетики, семитологии и арабской классической морфологии. -М.: Вост.лит.РАН, 1998. -271 с.
10. أنطوان الدحدح. معجم قواعد العربية العالمية. لبنان، 2091. ص. 942
11. الشيخ مصطفى الغلايينى، جامع الدروس العربية، بيروت، 3991.
12. فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. القاهرة. نهضة مصر. 3791. ص. 412
13. نور الدين عبد الرحمن جمي. فوائد الزية وهو شهر الجامي لكافية ابن حاجب. بيروت ، دور الكتب العلمية ، 4102